

Жаннат аҳли қандай кўринишда бўлади?



09:00 / 09.05.2021 3967

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Жаннатга кирадиган биринчи гуруҳ (бошқа бир ривоятда: «Умматимнинг бир гуруҳи», дейилган) Бадр кечасидаги тўлин ой янглиғ бўлади. Сўнг улардан кейингилари осмонда нур сочиб турган чарақлаган юлдуз каби бўлади. (Яна бир ривоятда: «Сўнг бундан кейин даражалар бўлади», дейилган). Улар у ерда бавл қилмайдилар, ахлат чиқармайдилар, туфламайдилар, бурун қоқмайдилар. Тароқлари олтин, тупроқлари мушк, жуфтлари хурлардир.

Бошқа ривоятда:

«Улардан ҳар бирининг иккитадан жуфти бор, гўзалликларидан болдирларининг илиги кўришиб туради. Улар ўртасида ихтилоф, бир-бирларини ёмон кўриш бўлмайди. Уларнинг қалблари бир қалбдек, эртаю кеч Аллоҳга тасбеҳ айтадилар», дейилган.

Муслим ривояти.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Жаннат аҳлидан бўлган аёл (шунчалик гўзалки) болдирининг оқлиги етмишта зийнат ортидан ҳам билиниб туради, ҳатто илиги ҳам кўринади. Бу ҳол Аллоҳ таоло айтганидекдир: «**Улар** (яъни, ҳурлар софлик ва оқликда) **гўёки ёқут ва маржонлардир**». (Раҳмон сураси, 58-оят).

Чунки ёқут шундай тошки, агар унинг орасидан ип ўтказсанг, софлигидан у ип кўриниб туради».

Термизий ривояти.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Жаннат аҳли соқолсиз, кўзлари тим қора бўлади. Уларнинг ёшлиги кетмайди (яъни, қаримайдилар) ва кийимлари ҳам эскирмайди».

Термизий ривояти.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Киши ёш ўладими, қари ўладими, жаннатда ўттиз ёшда бўлади, ундан ошмайди, камаймайди ҳам. Дўзах аҳлиники ҳам шундай бўлади».

Жаннат аҳлига берилажак неъматлар, кийимлар уларнинг авратларини ёпишга муҳтожликлари учун эмас, уларнинг еб-ичиш, таомлари очликдан эмас, шароб, май кабилар чанқоқ сабабли эмас, хушбўй тутатқилар тутатилиши ҳам уларнинг ёқимсиз ҳидли бўлишидан эмас. Балки буларнинг ҳаммаси доимий лаззат, узлуксиз неъматдир. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга айтган сўзни эсланг: «**Шубҳасиз, сен у жойда** (яъни, жаннатда) **оч-яланғоч қолмайсан. Ва у жойда ташна ҳам бўлмайсан, иссиқда ҳам** (иссиқдан қийналиб ҳам) **қолмайсан**» (Тоҳо сураси, 118 - 119-оятлар).

Бунинг ҳикмати шуки, Аллоҳ таоло жаннат эгаларини жаннатда дунёда неъматлантирмаган неъматлар билан неъматлантиради ва уларга Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган нарсаларни зиёда қилиб беради.

Ибн Муборак айтадилар: «Бизга Саид ибн Абу Айюб Уқайл ибн Шиҳобдан ушбу ҳадисни айтди: «Жаннат аҳлининг тили арабча, қабрдан чиққанларида сурёний бўлади».

Суфён айтади: «Бизларга етдики, инсонлар қиёмат куни жаннатга киришларидан олдин сурёний тилида гапиради. Жаннатга кирганларидан кейин араб тилида сўзлашадилар».

Islom.uz сайти асосида Бобур Муҳаммадий тайёрлади